

ҚАРОР

(наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисида)

2026 йил апрель ойининг 8 куни, Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи А.Шералиев, Б.Охуновнинг котиблигида, Қувасой шаҳар прокурори ёрдамчиси Ж.Умиржанов, Қувасой шаҳар ИИБ ЖХХ ХПБ профилактика катта инспектори подполковник катта лейтенант А.Юнусовнинг билдиргиси асосида Қувасой шаҳар Ички ишлар бўлими томонидан киритилган, фуқаро Солиев Йигитали Одилжоновични мажбурий даволашга юбориш ҳақидаги тақдимномасини 1-3-1505-2601/20-сонли ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Солиев Йигитали Одилжонович (Soliev Yigitali Odiljonovich) – 1987 йилнинг 3 июнь куни Қувасой шаҳрида туғилган, миллати тожик (*ўзбек тилини яхши билади, таржимонга мухтож эмас*), Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишламайди, оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Қувасой шаҳар, Суфон м.ф.й., Нуруний кўчаси, 44-уйда яшайди.

Қувасой шаҳар Ички ишлар бўлими тақдимномасида фуқаро Й.Солиев мунтазам равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, жамоат тартиби қоидаларини, оила аъзолари тинчлигини бузаётгани, мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун бир неча мартаба маъмурий жавобгарликка тортилгани, наркологик касалликдан мажбурий даволашга мухтож эканини инобатга олиб, уни наркологик касалликдан мажбурий даволашга юбориш сўралган.

Фарғона вилоят наркология диспансерининг 2026 йил 26 март кунги 101-сонли хулосасига кўра, Й.Солиев сурункали алкоголизм II босқичининг доимий кечиш формаси билан касалланган бўлиб, алкоголизмдан мажбурий тартибда даволанишга мухтожлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги 2020 йил 27 октябрдаги ЎРҚ-644-сонли Қонунининг 21-моддасига кўра наркологик касалликларга чалинган шахсларни амбулатория ёки стационар шароитларда даволашни ўтказишга доир тиббий кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади, шунингдек наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволаш Қонуннинг 5-бобида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Мазкур қонуннинг 5-боб, 25-моддасига кўра мажбурий даволаш атрофдагиларнинг хавфсизлиги ва соғлиғига таҳдид солаётган ёхуд жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, психоактив моддалар



таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун бир йил ичида бир мартадан ортиқ маъмурий жавобгарликка тортилган ҳамда ушбу Қонунга мувофиқ мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилган наркологик касалликка чалинган шахсга нисбатан суднинг қарорига асосан қўлланилади, бунда мажбурий даволаш диспансер кузатуви остида (диспансер ҳисобида) бўлган ва ихтиёрий даволанишни рад этаётган наркологик касалликка чалинган шахсга нисбатан қўлланилади.

Иш ҳужжатларига кўра Й.Солиевга мастлик ҳолатида жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузиб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун Қувасой шаҳар ИИБ томонидан 2025 йилнинг 15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси МЖТК 187-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 2/1 қисми миқдорида, яъни 206 000 сўм жарима жазоси тайинланган ҳамда жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2026 йилнинг 11 март кунги Ўзбекистон Республикаси МЖТК 183-моддаси ва 187-моддасининг 2-қисми билан уч сутка маъмурий қамок жазоси тайинланган мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилган бўлса-да, ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атворини давом эттириб, наркологик касалликдан ихтиёрий даволанишни рад этиб келган.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги 2020 йил 27 октябрдаги ЎРҚ-644-сонли Қонуни талабларига асосланиб, суд

қарор қилди:

Қувасой шаҳар ички ишлар бўлимининг Солиев Йигитали Одилжонович (Soliev Yigitali Odiljonovich)ни наркологик касалликдан мажбурий даволаш учун юбориш ҳақидаги тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Солиев Йигитали Одилжонович (Soliev Yigitali Odiljonovich) Фарғона вилояти наркология диспансерига 6 ой муддатга наркологик касалликдан мажбурий даволаниш учун юборилсин.

Қарор ўқиб эшиттирилган пайтдан дарҳол ижрога қаратилсин ҳамда ижросини таъминлаш учун Қувасой шаҳар ИИБга юборилсин.

Қарор устидан ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс ёки унинг адвокати, қонуний вакили томонидан 72 соат ичида апелляция тартибида шикоят қилиниши ёхуд прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

А.Шералиев

